

УЗБЕКИСТОНДА ГАР МАДАНИЯТИ ДЕКАДАСИ

СОВЕТ ДУСТЛАРИМГА ТАШАККУР!

Қардошлар кутиб олдигиз илик,
Шеъримни офатдан қилдингиз халос.
Дахшати йиллардан азоб ва сиқиб —
Мени эзди, фақат чидалим халос.
Сиздан миннатдорман. Бердингиз наму —
Юрагимга умид, кўзимга нур.
Сизгадир инқилиб, энг олий тўғум,
Шеърим тўғ қайот қилгандек пайдо.
Сизларни кўлайман, дилимда гурур,
Сиз олий мақтовга лойиқ, сазовор.
Кўрсатдингиз менига меҳр-муҳаббат,
Ватаним, халқимга чексиз садоқат.
Бунинг учун халқим қилиб ниҳор,
Юракдан айтади сизга ташақкур!

Б О Ё

Иоганнес Р. БЕХЕР.

Жўяқларни кездим тонг-сахар,
Майса ўтлар тўсиб бермас йул.
Юрган сари фикрим чулганар,
Эскин бунин қайси саҳар қул.
Кезиб юрдим дарахтзор аро,
Табиатдан мен мангун, рози.
Энгиласиз кўнгирақ гоҳо,
Гоҳо деҳқоннинг келур овози.
Германия! Ўтиб йил, ойлар —
Мен қайтдим, Мана таниш боғ.
Болалигим ўтган бу жойлар
Эслатди ҳар ўт, ҳар йилроқ.
Богбон, сендан мен кўрсанг, мамнуи,
Шодлигини қайтардинг бутун!

Тўшмида йилгадир. Тўш кўрсанг ногоҳ,
Тобут ичра дўстим ётарди бежон.
Бирдан уйғондим ва узоқ-узоқ —
Юзларини юлди кўз ёшим маржон.
Тўшмида йилгадир. Тўш кўрсанг ногоҳ,
Ташлаб кетганимсан мени бевафо.
Бирдан уйғондим ва узоқ-узоқ —
Кўз ёшларим оқди нисоли дарё.
Тўшмида йилгадир. Тўш кўрсанг ногоҳ,
Мени севарганисан яна сен жонон.
Бирдан уйғондим ва узоқ-узоқ —
Ҳатто йилгадир ҳам келмади дармон.
Рауф Толипов таржималари.

ГЕРЛИ МЕҲМОНЛАР

УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХУЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА



Республикамизда Германия Демократик Республикаси маданият ходимларининг декадаси зур тантана билан ўтмоқда. Суратда: меҳмонлар Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида.

Реклама Ҳақиқат

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар програм-
маси.
Рус тилида: 18.00 — ВЛКСМ-
нинг 50 йиллиги олдидан. Комсо-
мол-йўшқулар йиғини биринчи
ресублика фестивали, 18.45 —
Телевизионлар, 19.00 — Гамлет
(бадиий фильмнинг йиғинчи серия-
си), 20.15 — Кўрсатишлар про-
граммаси.
Ўзбек тилида: 20.20 — Телевизи-
онлар, 20.35 — Ёш тоғшўбин-
лар театри ходимлари студия меҳ-
мони, 21.25 — Пахтакорларнинг
меҳнат рапортлари, 21.45 — Кино
йиғинлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 да — Москва кўрсатади.
18.00 да — Олмаота кўрсатади.
20.00 да — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Кино-
фильм (болалар учун), 20.20 —
Классик нусха.
Рус тилида: 21.00 — Травояз
(хўшхалат фильм), 21.10 —
ВЛКСМнинг 50 йиллиги олдидан.
Менимг азиз кишини (бадиий
фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРИДА — 4/4 да Диро-
ром, 5/4 да Илья Игор.

ХАМЗА НОМИ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/4 да Бой
ила хизматчи, 5/4 да Нонан сароб,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —
Тереза ДУРОВА раҳбарлигида ўр-
натилган ҳайвонлар гуруписи ат-
тракционни. Ўзбекистон ССР халқ
артисти Акром Юсупов иштирок
этади. Тошхоналар кеч соат 8 да
бошланади, шанба кўнж киши
март — кўнж соат 3 ва кеч 8 да
да, кўнж соат 12, 4 ва кеч 8 да. Билет-
лар сотилмоқда.

КИНО

КИШИНИ БИНОДА

Анималка ва кирил — «ТАН-
КА», «МОСКВА», «ДРУЖБА», (кўн-
ж соат 12, 4 ва кеч 8 да).
Бодом ҳили — «ЎЗБЕКИСТОН»,
«ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИ-
НИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кўнж соат 12
ва кеч 8 да).
Уруш ва тинчлик (4-серия, кўн-
ж соат 12, 4 ва кеч 8 да) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50
ЙИЛЛИГИ».
Агентнинг ўлими — «ЎЗБЕКИ-
СТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кўнж соат 12
ва кеч 8 да).

ЎЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 10 да
бошланади).
Анималка ва кирил — «ФЕСТИ-
ВАЛЬ».
Тош бут — «ХИЁЛ».
Агентнинг ўлими — НАВОИЙ
НОМИ.

ПУШКИН НОМИ БОҒДА

3, 6 октябрда
М. ИОРИКОВОВ НОМИ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ
ФИЛАРМОНИЯСИ ВА
ЭСТРАДА
Артистларининг
ИОНЦЕРТИ

Концертда Ўзбекистон ССР
да хизмат кўрсатган аристок-
лар Олмахан ХАЙИТОВА, Жу-
маназар БЕКНОВОВ, солист-
лар: Зокирмен СУЛТОНОВ,
Гунаҳра ИСМОИЛОВА, Жу-
манн СОБИРОВ, Отамурод ХО-
ЖИЕВ, Раҳмон АБДУРАСУЛОВ,
Нима ТЯГИБИДИНА, Зураб
ХОНИКЕВ, Раҳмон АБДУЛЛАЕ-
ВА, Жуманазар БОЙНОКОВ,
Хайриддин ФАЕЗОВ, Ўзбек
халқ чолгу асанбери: Ўзбеки-
стон ССР да хизмат кўрсатган
артистлар Пулат РАХИМОВ,
Гафур АЗИМОВ; солистлар:
Олмасар ХАСАНОВ, Ходж
ЮСУПОВ, Абдуллоҳ тошму-
ХАМЕДОВ, Гафур ИНОМОВОВ
қатнашадилар.

Программани Бутуниттифон
театрлар фестивалининг лаву-
рати — Зайтуна ТОЖИБОЕВА
олиб боради.
Концерт кеч соат 8 аринда
бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

ЎРТОҚЛАРИ
ДОНОРЛАР САФИГА КИРИНИЗ
Бода тутиниғи нонингиз бил-
дан Сиз — инсон ҳаётини сақ-
лаб қоласиз. Қон бериш киши
соғлиғига зарариниқ. Донор-
лиқ — ҳар бир совет киши-
нинг фардиди. Бунинг
Донорлар йиғини қўнжидан
бошча ҳар кун артаб соат
8 дан 10 яримгача қабул қи-
линади.
Мурокаат учун адрес: Тош-
кент шаҳар. 18, Руставели ку-
часи, 138 (Ш. 30, 83-автоту-
слар. 7, 14, трамвайларнинг
«Кон кўйиш институти бека-
ти»).

ШУНДАЙ МАМЛАКАТ БОР...

Шундай мамлакат борки, дарёлар эркин оқар, —
Ҳаммаёғи дарахтзор, даладари олтинзор.
Халқи ўз кучи билан мангу бўлди мухтасар
Озолиқсиз, тинчликсиз. Унда ҳамма бахтиёр.
Қанчалар қурбон бериб, қанчалар қилиб меҳнат,
Халқи ўз мамлакатини яшатиб, элди обод.
Инсон ишончи бўлиб эндиликда умрбод, —
Ўрнак ҳам куч манбан тифсоли у мамлакат.
Германия! Бир пайтлар сен эдинг бефаросат,
Шармандалик уруши олиб бердинг Шарк томон, —
Кучли зарбага учраб куйпал-кун бўлмоқ-чун.
Бас энди, етар уруш! Янги йул тоғиди абади
Қилиб кўтарган, ўз қилиқдан бўлар аксон, —
Қурашда голиб чиқар тун эмас, албатта кун!
Мавлон ИКРОМ таржимаси.

ЧАШМА

Чашма
бунда тонинг сўнги
кўринмас,
узлуқсиз-узлуқсиз эсар еллар
ҳам.
Тутун тутатади қадим шаҳарча
буталар мудрайди,
мудроқ буталар
Муздек соҳилларининг яшил
девори.
Қалдирғочлар тинка учар нур
қувиб.
Қумларга ағанаиш иштиёқда
туш пайтада
ҳориб
келдим бу ерга
Тўйиб-тўйиб эмсам
Дарё нафаси.
Майсага бурканган кўм-кўк
чашманин
сеҳрэн кўксига лабимни қўйиб,
Роса тўйиб шимирсам дейман
Чашманингу сувидан,

ерини сувидан.
Қўларим-ла ушлаб
алатларини,
оловида ёнсам дейман
кундузини.
Баҳордан жўшқинлик,
тошқиндан қудрат
олган оқим, сента термулсам
дейман.
Жағалай чағ-чағлар,
туманлар бағрига,
тўқиллар қаҳрига шомасан
жўшиб.
сени кутиб олар
поёнсиз денгиз.
Денгиз соясида
Унинг тубида
Нафаси уфйар сенингу юзини
алламоилардан бүтди
наҳанлар.
Султон ҚўҚОНБЕКОВ
таржимаси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

СОВЕТ-АФГОНИСТОН ШАРТНОМАСИ

КОБУЛ, 2 октябр. (ТАСС).
Афғонистон қончилиқ ишлари
ва саноат министрилиги билан
Бутуниттифон «Нефттехпро-
мэкспорт» бирлашмаси ўртасида

бу ерда имзоланган шартнома-
га мувофиқ Совет Иттифоқи
Шибиргон шаҳри районидан
газ қопларини излаш ишларини
бажаришда дўстона Афғонис-
тонга ёрдам кўрсатади.

СЛОВАКИЯ: САНОАТ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШИ ЎСМОҚДА

ПРАГА. Словакияда саноат
ишлаб чиқаришини ривожлан-
тириш — Чехословакия Соци-
алистик Республикасининг асо-
сий иқтисодий вазифалардан
биридир.
Ўтмишда мамлакатнинг энг
қоқоқ району бўлган Шарқий
Словакия саноатини ривожлан-
тириш борасида сўнги йиллар-
да кўп иш қилинмоқда. Област
маркази — Кошице шаҳрида
республика қора металлурги-
ясининг энг йирик корхоналари-
дан бири бўлган Шарқий Слов-
акия металлургия комбинати
қад кўтарди. Бу комбинат учун
хомуше Совет Иттифоқидан ет-
казиб берилмоқда.
Бу ерда халқ истеъмол қила-
диган моллар ишлаб чиқариш

ни ривожлантириш масаласига
ҳам тобора катта эътибор бе-
рилмоқда. Бардеевдаги 20-ав-
густ номи йирик пойафзал
фабрикасининг маҳсулотини жа-
ҳоннинг қўнжига мамлакатла-
рида, шу жумладан СССР да
ҳам яхши маълум. Област
миллий комитетининг план ко-
миссияси ишлаб чиқарган лойи-
ҳага мувофиқ бу фабрикада бир
йилда ишлаб чиқариладиган
пойафзал 5 миллион жуфтдан
8 миллион жуфтига етказилиши
керак. Шпичска-Нова-лес шаҳ-
ридаги «Татрасит» янги трико-
таж фабрикасини 1970 йилда
қуриб битказилиш кўзда тутилди.
Бу фабрика ҳар йили қариб
12 миллион дана трикотаж
ишлаб чиқарадиган бўлади.
ТАСС.

ҲАР ЙИЛИ 100 МИЛЛИОН
ЖУФТ ПОЙАФЗАЛ

ПРАГА. Социалистик Чехо-
славияки — пойафзал ишлаб чи-
қараётган энг йирик мамлакат-
лардан биридир. Республика
ҳар йили 100 миллион жуфтидан
кўпроқ хилма-хил пойафзал
тайёрлаб чиқармоқда. Чехосло-
вакияда азалдан традиция бў-
либ қолган пойафзал ишлаб чи-
қариш ҳозирги вақтда энг янги
техника билан таъминланган
18 та йирик фабрикада тўпила-

ган. Чехословакия Социалистик
Республикаси корхоналаридаги
модельер усталар ҳар йили 400
дан кўпроқ моделларни тайёр-
лаб, ишлаб чиқаришга топшир-
моқдалар.
Чехословакия пойафзали чет
элларда ҳам машҳурдир. Бутун
маҳсулотнинг 40 процентдан
кўпроғи 86 мамлакатга, шу
жумладан Совет Иттифоқига
экспорт қилинмоқда. (ТАСС).

СССР УЧУН «СУЗУВЧИ КОМБИНАТ»

ВАРШАВА. Гданскдаги Ле-
нин номи кемасозлик корхона-
си 10 минг тонна юк кўтарди-
ган наватбадга, ун туртинчи
«Нахичеван» балиқ овлан ба-
засини Совет Иттифоқига топ-
ширди. Бу — халқ кемасозлари

қуриб берган 20-«сузувчи
комбинат»дир.
Гданск кемасозлик корхона-
си — балиқ овлан кемалари иш-
лаб чиқараётган жаҳондаги энг
йирик корхонадир. (ТАСС).

БОСКИНЧИЛАРГА ЗАРБА

ҚОҲИРА, 2 октябр.
(ТАСС). Араб ватаншарварлари
Исроил босқинчиларига зарба
беришан давом эттирмоқдалар.
Фаластиндаги «Ал-Сифа» та-
шкилотини қўмондонлигининг бу ер-
да эълон қилинган ахборотида
айтилишича, араб партизанлари
30 сентябрда ўтар кечаси аҳоли
яшайдиган Сафурин пунктидан
шимолроқда душман бўлима-
лига ҳужум қилганлар. Ҳужум
натijasида исроилликларнинг

бир қанча ҳарбий объектлари
яқсон қилинган, шунингдек
душманиннг бир неча солдати
сафдан чиқарилган. Ўша таши-
лотнинг партизанлари бошқа
районларда ўтказган операция-
лар вақтида душман танкини ва
солдатлар тушган транспортле-
ри мажлаб тағлашганлар.
«Ал-Бас» Фаластин ташико-
ти қўмондонлигининг маълумо-
тида бундай дейилади: шу таши-
лотнинг қуролланган отряд-
лари 25 сентябрдан 27 сентяб-

гача бўлган вақт ичиди Газа
секторига бир автомобилни ва
икки бронетранспортерин яқсон
қилганлар ҳамда душманиннг
бир неча солдатини сафдан чи-
қарганлар.
«Прогресс» жипсин» газетаси-
нинг хабар беришича, исроиллик
босқинчилар Газа секторига
командантлик соатини жорий
қилганликларига қарамай, бу
районда партизанларнинг опе-
рациялари тўхтамаётган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЦИРКИДА

Тошкент Давлат циркида янги сезон бошланди. Бу ерда
Иттифоқимизда ўзларининг жоизбали санъатлари билан донг
таратган машҳур цирк усталари ўз маҳоратларини кўрсатиш-
моқда. Тошхоналар йиғинчи қарини ўргатувчи артист Тереза
Дурованин маҳоратига қойил қўйилмоқда. Артистлардан —
акробат этиолларда қатнашаётган Токаревалар, чопар отда
туриб айбон номерларини намойиш этаётган Дельбоске ва
симда туриб турли рақсларини ижросини Косаченколар ҳам
талабчан томошбинларининг эътиборига сазовор бўлишляпти.
Циркда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Акром
Юсупов ва маҳарабоз Николай Жулилар қатнашмоқда. Су-
ратларда: циркда чиқаётган бир гурупа артистлар.
Расмларни Н. Меламед чизган.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-
КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Таш-
кентского обкома КП Узбекистана,
областного Совета депутатов тру-
дящихся.
РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЫ: Редактор — 835212, Редактор ўринбосар —
835883, 836232, Машхул секретарь — 834808, Пропаганда, адабият
ва санъат бўлимлари — 831936, Саноат, транспорт ва кўриш бўлими —
833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811, Ки-
но хўжалиги, Фан, маънаф ва олий укув юрталари бўлимлари — 839050,
Совет кўриш, маънаф хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761,
Каттар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142,
Коммутиатор — 830249 дан 830258 гача.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг
босмахонаси Тошкент шаҳри
Р. 02875. № 1957. ИНДЕКС — 6469.